



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 11 МАЙ, ШАНБА

Газета 1966 йил 1 шолдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 77 (13.924)

Баҳоси эркин нарҳда

## ХАЙРЛИ ТАШАБУСУВЛАР ЮРТИМИЗГА ЁФИЛАЁТГАН ЭЗГУЛИК НУРУНИ ЗИЁДА ЭТАДИ

### Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 10 май куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Шайхонтоҳур туманидаги Сузук ота мажмуасига ташриф буюрди.

Муқаддас ислом динининг эзгу амалларини эъозлаш, улуг алломаларимиз меросини тиклаш, қадимларини обод этиш борасидаги хайрли ишлар муборак Рамазон ойида эзгулик нурларини янада кўпайтиради.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ҳар йили Рамазон ойида ислом динининг асл моҳиятини тарғиб этиш, илм-фанни ривожлантириш, эътиқод эркинлигини таъминлаш, мўмин-мусулмонлар учун кенг шaroит яратиш бўйича янги-янги ташаббуслар рўйбга чиқарилаётганда. Хусусан, ўтган йили Рамазон ҳайитида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази қурилишига тамал тоши қўйилди.

Айни муқаддас Рамазон кунлари Сузук ота мажмуаси тўла фойдаланишга топширилгани пойтахт аҳолисига ўзгача тўхфа бўлди.

Сузук ота зиёратгоҳини яқин-яқингача кўпчилик билмас, маҳалла ичида қолиб кетган макбара ва эски масжид қаров-сизилклан зах тортиб, нураб ётган эди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 26 май куни Сузук ота мажмуасида бўлиб, макбара ва масжидни реконструкция қилиш, атрофини ободонлаштириш бўйича топшириқлар берган эди. 2018 йил 9 февралда қурилишнинг бориши билан танишиб, мажмуа ёнида хунармандлар маркази ва кутубхона барпо этиш бўйича кўрсатма берди. Шундан сўнг амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари тарихий обидаларга янги ҳаёт бахш этди.

Макбара ва эски намозхона тубдан таъмирланиб, масжид, иккита минора барпо этилди. Мажмуага қираверилган музей, кутубхона, маҳалла идораси ва бошқа объектлар қад ростлади. Фавворалар ўрнатилиб, қарийб 8 гектарлик майдон ободонлаштирилди. Макбаранинг икки томонида хунармандлар учун ҳар бири 4,5 сотихли ўттизта коттеж барпо этилди.

Худудда зиёратчиларнинг хордиқ чиқариши учун айвонлар қурилди. Уларнинг ёғоч устунлари, равоқлари нафис ўймакорлик намуналари билан безатилди. Макбара ва бинолар сирти, эшик-ромлар, тоқларга турфа рангларда нақшлар билан миллий менталитетимизга маз зоб берилди.

Хўжа Аҳмад Яссавийнинг набириаси бўлган Сузук ота яссавия тариқатининг пешвоси, ўймакор уста бўлган. Юзлаб шогирдлар тарбиялаб, хунар ўргатган. 1363-1364 йилларда буюк бобоқалонимиз Амир Темур Сузук ота қабри устида макбара ва масжид бунёд эттирган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида бебаҳо ёдгорлик ўзини тарихий қиёфасини сақлаган ҳолда янги маҳабатли табаррук зиёратгоҳга айланди. Бугун бу ерга келганлар мажмуанинг бетақрор салобатидан улкан маънавий-руҳий қувват олади.

Президентимиз ушбу бунёдкорлик ишлари билан танишди. Макбара зиёрат этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Шу ерда диний уламолар ва нурунийлар билан суҳбат бўлиб ўтди. Шавкат Мирзиёев уларни Рамазон ойи билан яна бир бор табриқлаб, янгилашган мажмуанинг шундай улуг айём кунларда очилиши хайрли эканини таъкидлади.

Шайхонтоҳур қадимдан Тошкентнинг хунармандлик ривожланган масканларидан бўлиб келгани, аждоқларимизнинг эзгу анъаналарини бардавом сақлаш юртимизда қадимий хунармандлик турлари билан бирга, сайёҳликни ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Бошқалар йўқ тарихини бор қилишга ҳаракат қилади. Биз буюқ тарихимизни, алломаларимиз меросини халқимизга, ёшларимизга тўлиқ етказиб берилмади. Улғимизни англаш нуктаи назардан шундай жойларга эътибор берсак, бунга ҳамма эътибор қаратади, деди давлатимиз раҳбари.

Бу ердаги хунармандлар уйлари шу маҳаллада яшовчи уста-хунармандларга берилди. Улар дурадгорлик, мисгарлик, мусиқа асбоблари ясаш, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, бешкичлик, қурувчилик, қосиблик каби ота-боболаридан мерос хунарлар билан шуғулланиб келмоқда.

Президентимиз хунармандлар уйлари, ёғоч қирмаччилик ва хаттотлик устаханаларини кириб кўрди. Икки қаватли бу хонадонларнинг биринчи қавати устахона ва дўкон учун ажратилган. Бу ер ўзига хос хунармандлик маркази бўлиб, мажмуа билан бирга ноёб туризм масканига айланади.

Хунармандлик – ҳалол касб. Бугунги кунда энг катта вазифамиз – иш жойлари яратиш. Хунармандларга шaroит яратсак, ҳам ўзини боқайди, ҳам бошқаларни иш билан таъминлайди. Шогирдлар тарбияласа, қанча ёшлар хунарли бўлади, ўз тадбиркорлиги ишини очиб, даромад топади, деди Шавкат Мирзиёев.

Тошкент шаҳрининг тарихий қиёфасини сақлаб қолиш, бунда Шайхонтоҳур туманининг хунармандлик ва тадбиркорликни ривожлантиришда қадимий ролига урғу бериш юзасидан тавсиялар берилди.

Давлатимиз раҳбари Чилонзор тумани Богистон кўчасида барпо этилаётган кўп қаватли уйлари кириб кўрди.

Бугун халқимиз турмуш шaroитини янада яхшилаш йўлидаги ислохотлар ҳар бир туман, ҳар бир маҳаллага кириб борапти. Тошкент шаҳрида ҳам кўп қаватли уйлар, замонавий мактаб, болалар боғчалари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, автомобиль турар жойлари барпо этилмоқда.

Богистон кўчасидаги уйлarning қурилиши бошланганига кўп бўлгани йўқ. Президентимиз 2018 йил 21 декабрь куни бу ерга келиб, қурилиш макетлари билан танишган, зарур кўрсатмалар берган эди. Орадан беш ой ўтиб, бу ерда замонавий турар жой мавзеси бунёд этилди.

Умумий майдони 5,6 гектар бўлган худудда жами 24 та 9 қаватли уй барпо этиш режалаштирилган. Айни пайтда 17 та уй қурилиши якунланиб, ички ва ташқи пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарига уйлarning қурилиш технологияси, сифати ҳақида маълумот берилди.

Уйлар 100 фоиз юртимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан фойдаланиб, инновацион усуллар асосида барпо этилмоқда. Деворлар қўшимча материаллар билан қоплангани иссиқликни сақлаш ва 70 фоизгача энергияни тежаш имконини беради. Иситиш ва совутиш тизими ҳар бир хонадонда мустакил бошқарилади. Энг муҳими, уйлар яшаш учун тайёр ҳолда топширилади.

Президентимиз куриб битказилган хонадонлардан бирини кириб кўрди.

Кенг, баланд, шинам, қулай уйлар шаҳарсозликнинг янги намунаси бўлади ва одамларга янги тарзда турмуш кечир-иш имконини тўхфа этади.

Бундай уйлarning сифати, энергияни тежаш, зилзилабардошлиги халқимизга жуда маъқул бўлмоқда. Шу тажриба асосида мамлакатимизнинг бошқа худудларида ҳам турар жойларни кўпайтириш зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Айни пайтда уйлар сотуви бошланган. Мижозлардан "call маркази" орқали 24 соат давомида ариза қабул қилиш ва махсус дастур асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Турар жой мажмуасида "ақли шаҳар" концепцияси асосида аҳолига коммунал хизмат кўрсатишнинг янги тажрибаси қўлланилади. Яъни, уйларда электр, сантехника ёки бошқа масалада бирор муаммо пайдо бўлса, бу ҳақда марказий бошқарув пультага хабар боради ва тезкор гуруҳ зудлик билан етиб келади.

Лойиҳага кўра, худудга туташ бир километр яқин йўл ва Бўзсув канали атрофида велосипед йўлаги, болалар майдончалари, дам олиш жойлари, фавворалар, муқаймоқхоналар ташкил этилади.

Президентимиз шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф номидаги мажмуада амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили февраль ойида ушбу мажмуа лойиҳаси билан танишиб, уни янада такомиллаштириш, бунда халқимиз ва улаомаларнинг тақлифларини ҳам ўрганиш бўйича топшириқлар берган эди.

Мажмуада қисқа вақтда улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 2 минг кишига мўлжалланган масжид, анжуманлар зали, музей, кутубхона, макбара, таҳоратхона ва бошқа ёрдамчи хоналар бунёд этилди. Фаввора қурилиб, замонавий ўриндиқлар ўрнатилди.

Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф 1952 йил 15 апрель куни Андижон вилоятида таваллуд топган. Жуда қийин ва мураккаб даврда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий лавозимида ишлади. У киши фаолият қўрсатган йиллар исломий илмлар, диний қадрият ва анъаналар қайта тикланган давр сифатида тарихимизда алоҳида ўрин тутди.

Муфтий вазифасида у киши халқроқ миқёсда кенг фаолият юритиб, кўплаб ислом мамлакатлари билан маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш йўлида хизмат қилди. Улуғ ватандошимизнинг дунё мусулмонлари орасидаги обрў-эътибори жуда баланд эди. У Жаҳон мутафаккир улаомлари йигини Ижроия қўмитаси, Жаҳон мусулмон улаомлари халқроқ уюмаси, Жаҳон ислом уюмаси каби нуфузли ташкилотлар, Иордания қироллик академияси аъзоси, Миср Араб Республикасининг "Нил лаври" олтин нишонини совриндори бўлган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, замонавий тарихимизда исломий илмлар бўйича ҳеч ким бу даражада юксак мавқега кўтарилмаган.

Улуғ аллома диний-маърифий мавзуларда 100 дан зиёд китоб ёзган. Шайх хазратларининг иккита тўла сузлари, суҳбатлари, радио ва телевидение, матбуот саҳифаларидаги чикишлари юртдошларимиз қалбидан чуқур жой олган.

Президентимиз бу масжид шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф номига муносиб бўлганини таъкидлади. Хазратнинг илмий меросини ўрганиш, маърифат ва одоб-ахлоқ мавзуларида кўпроқ китоблар чоп этиш, жамиятимиздаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар берилди.

Шавкат Мирзиёев "Тошкент" автовокзалида бўлиб, бу ерда амалга оширилган ишлар ва йўловчилар учун яратилган шaroитлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 10 январдаги "Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташкил тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Тошкент шаҳрида вилоятлар марказлари ва қўшни давлатларга автотранспорт қатновини йўлга қўйилди. Ташландиқ ҳолга келиб қолган "Тошкент" автовокзали таъмирланиб, йўловчилар ва мамлакатимизга келаётган сайёҳлар учун кўплаб қулайликлар яратилди.

Айни пайтда автовокзалда бир вақтинч ۇзида 2 минг 200 йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Вокзал сўнгги рўсумдаги технологиялар билан жиҳозланган. Бу ерда замонавий VIP-зал, она ва бола, тиббиёт хоналари, намозхона, меҳмонхона, ҳайдовчилар учун дам олиш хонаси, диспетчерлик хизмати, дўконлар, кафе-бар ташкил этилган. Имконияти чекланганларнинг вокзал худудида эмин-эркин ҳаракат қилиш учун ҳам шaroит яратилган. Иккитадан лифт ва эскалатор, махсус пандуслар шулар жумласидан.

Ҳозирги кунда "Тошкент" автовокзалидан Россиянинг Нижний Новгород, Қозон, Қозоғистоннинг Нур-Султон, Чимкент, Туркистон, Қизил Ўрда, Олмаота, Ушқунур, Тароз, Еттисай, Қирғизистоннинг Бишкек, Тожикистоннинг Хўжанд шаҳарларига автобуслар қатнамоқда. Улар хизматидан кунига мингтагача йўловчи фойдаланади.

Бундан ташқари, маҳаллий йўналишларда кунига 10 дан ортиқ қатнов амалга оширилаётир. Узоқ йўналишларга чиқарилган олдиндан сотиш йўлга қўйилган. Ҳар бир автобус йўналиши қичишдан аввал тўлиқ техник, ҳайдовчилар эса тиббий кўриқдан ўтади. Автобусларнинг санитар ҳолати ҳам доимий назоратда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шaroитни кўздан кечирди. Халқроқ тажриба асосида автобус ҳайдовчилари малакасини ошириш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш бўйича мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Президентимизнинг 2018 йил 5 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиб вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан хорижий давлатларга вақтинчалик ишлаш учун кетаётган фуқароларни ўз манзилига хавфсиз етказиб қўйиш мақсадида "Uzautotrans Service" корхонаси ташкил этилди. Корхона паркинни замонавий автобуслар билан таъминлаш учун Хитойнинг "Zhengzhou Yutong Bus Co. Ltd." компаниясидан 168 та замонавий автобус харид қилинди.

Шу ерда мамлакатимизнинг транспорт-логистика тизимини ривожлантириш, халқроқ ва шаҳарлараро автобус йўналишлари, автовокзал ҳамда автостанцияларни такомиллаштириш лойиҳалари тақдироти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Учтепа туманидаги 238-умумий ўрта таълим мактабининг янги ўқув биноси билан танишди.

Мазкур таълим муассасаси 1969 йилда қурилган. Мактабларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастур асосида 2006 йилда жорий таъмирдан чиқарилган бу муассасада 2 минг 600 дан зиёд ўқувчи икки сменада таълим олади.

Янги ўқув биноси қурилишига 2 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағи сарфланди. У 240 ўринга мўлжалланган. Кутубхона, мусиқа, технология, инглиз тили, тасвирий санъат каби 12 ўқув хоналари замонавий жиҳозланган. "Ёшлар театр студияси", "Ёш ижодкорлар", "Халқ чолгу асбоблари", "Дастурлаш ва компьютер сабоқлари", "Тадбиркор қизлар", тикувчилик ва бичувчилик тўғрақлари ўқувчилар ихтиёрида. Кутубхонада Wi-Fi худуди ташкил этилган ҳам бўлиб, ўқувчилар электрон ва аудиокитоблардан бемалол фойдаланиши мумкин.

Президентимиз янги бинодаги шaroитларни кўздан кечирди. Таълим тизимига замонавий ўқув дастурларини жорий этиш бўйича тавсиялар берди.

Шу ерда Тошкент шаҳар халқ таълими муассасаларининг бугунги аҳоли, мактабларнинг моддий-техник таъминоти бўйича маълумот берилди.

Тошкент шаҳрида айни пайтда 303 та мактаб мавжуд. Уларда 409 мингдан зиёд ўқувчи таҳсил олмақда. 217 та мактабда 2-3 сменада таълим берилди. 2019-2020 ўқув йилида ўқувчилар сони 450 мингга етиб, қўшимча 40 минг ўқувчи ўрнига эҳтиёж пайдо бўлади. Шунинг учун 9 та, жумладан, жорий йилнинг ўзида 7 минг 350 ўринли 5 та янги мактаб, 37 та мактабда қўшимча бинолар қуриш тақлифи илгари сурилди.

Янги мактаб қуришдан олдин бор имкониятлардан, жумладан, коллеж ва лицейлардан бўшаган бинолардан унумли фойдаланиш масаласини ўрганиб чиқиш зарур. Мактаблар қурилишига, архитектурага янги аҳақ услубда ёндашиш мақсадга мувофиқдир, деди Президент.

Давлатимиз раҳбари Учтепа туманида 200 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган тикувчилик цехига борди. Мамлакатимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ички бозорни ўзинида ишлаб чиқарилган сифатли кийим-кечаклар билан тўлдирдида жойларда ташкил этилаётган тикувчилик корхоналарининг алоҳида ўрни бор.

Яқинда "Козимжон рейтинг сервис" корхонаси томонидан ташкил этилган тикувчилик цехи шулардан бири. Бу цех "Кўчча текстиль" жамияти билан ҳамкорликда бунёд этилди. Лойиҳа қиймати 3 миллиард сўм. "Кўчча текстиль" хориждан 100 та замонавий тикув машинаси ва ёрдамчи ускуналар олиб келиб ўрнатди. Цех йилга 500 минг дана тайёр трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга. Асосан Учтепа туманидаги банд бўлмаган хотин-қизлар қайта ўқитилиб, ишга қабул қилинади. Келгусида тайёр маҳсулотлар учун махсус кўргазма зали ташкил этиш кўзда тутилган.

Корхона хизмат кўрсатиш соҳасида иш юритади. 2017 йили супермаркет, 2018 йилда оилавий ресторан қурилиб, 135 иш ўрни яратилган. Тошкент шаҳридаги Инҳа университети билан ҳамкорликда очилган махсус тайёрлов курси фаолият кўрсатмоқда.

Президент бу каби корхоналарнинг мамлакатимиз иқтисоди ривожигаги ўрнига тўхталиб, биринчи навбатда, маҳсулот сифатига эътибор қаратиш зарурлигини қайд этди. Бозор талабини доимий ўрганиб бориш, маҳсулот экспортини йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Учтепа тумани раҳбарлари, маҳаллалар раислари, зёбилар, мутасаддилар билан учрашув ўтказди. Давлатимиз раҳбари туманда аҳоли жон бошига сановат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш Тошкент шаҳри бўйича ўртача кўрсаткичдан 2 баробар каллигини қайд этди. Тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринларини кўпайтириш, ички йўллар ва коммунал тармоқларни таъмирлаш, ёшлар масаласи бўйича кўп ишлар қилиниши зарурлигини таъкидлади.

Учтепа туманини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича алоҳида қарор қабул қилинади. Унга нисбатан аниқ тақлифларини айтсангиз, бу ҳужжат амалий жиҳатдан янада фойдалани, қамровли бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Туман иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида 2019-2020 йилларда умумий қиймати 1 триллион 540 миллиард сўмлик 61 та лойиҳани амалга ошириш бўйича туман инвестиция дастури шакллантирилган. Ушбу лойиҳалар доирасида 132 миллион доллар хорижий сармоя ўзлаштирилиб, 6 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Тумандаги бўш турган ёки тўлиқ ишлатилмаётган 194 та объект фаолиятини қайта тиклаш ёки улар негизида янги корхоналар ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

"Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида ўз бизнесини бошламоқчи бўлган оилаларни аниқлаб, уларга жами 24 миллиард сўм миқдоридagi имтиёзли банк кредитлари қисқа муддатда тўлиқ ажратилишини таъминлаш лозимлиги қайд этилди.


Жорий йилда Инвестиция ва "Обод маҳалла" дастурларига мувофиқ 1 минг 200 ўринли 5 та боғчада қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари бажарилади. Шунингдек, 200 ўринли 2 та янги хусусий боғча ташкил этилади. 24-оилавий поликлиниканинг янги биноси қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилди.

"Обод маҳалла" дастури доирасида жорий йилда Гузар ва Фарҳод маҳаллаларида 60 та кўп қаватли уй, ички йўллар, электр ва оқова сув тармоқлари, ижтимоий соҳа объектларида 18 миллиард сўмлик таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилади. Натижада 11 минг нафар аҳолининг турмуш шaroити яхшиланади.

"Ёшлар – келажакимиз" Давлат дастурига мувофиқ, 12,5 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратиш орқали 14 та лойиҳа амалга оширилади. Ёшларни зарарли таъсирдан сақлаш ва бўш вақтини маъмули ташкил этиш учун уларни маданият, санъат, спорт, китоб ўқиш ва ахборот технологияларига қизиқтиришга қаратилган 5 та ташаббус ҳаётга изчил татбиқ этилади.

Туман ёшлари учун "Экобоғ", "Яшил ҳиббон", "Китоб кафе" ва "Кўча спорти" намунасидаги спорт-соғломлаштириш майдончалари барпо этилади.

Учрашув очик мулоқот тарзида ўтди. Одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Президентимиз тақлифларни тегишли режаларга киритиш, яқин вақтларда амалга ошириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.



• Хоразм вилоятида ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари ўз хизмат вазифаларини бажаришга киришдилар. Уларга рухсатнома ва велосипедлар топширилди.

• Қашқадарь вилоятининг Деҳқон-обод тумани марказида туман хокимлиги ва Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи ҳамкорлигида барпо этилган Мотамсаро она ҳайкали очилди.

• Сирдарё вилоятининг Оқолтин тумани "Шодлик" маҳалла фуқаролар йиғинида 120 ўринга мўлжалланган "Sirdaryo Baraka chevarlari" масъулияти чекланган жамияти тикувчилик корхонаси иш бошлади. Фаолият бошланган корхонанинг биринчи босқичида 70 нафар тикувчилик сертификатини олган "Шодлик" МФЙ худудида яшовчи аёллар мактабга таълим муассасалари, шифохоналар ва болалар ёзги дам олиш оромгоҳлари буюртмасига кўра қошба тикмоқда.

• "Наманган" эркин иқтисодий зонасида "Chust Textile" хусусий корхонасининг биринчи навбати иш бошлади. Умумий қиймати 5 миллион 850 минг долларга тенг ушбу лойиҳанинг биринчи босқичида 500 дан зиёд иш ўрни яратилди. Қарийб 8 гектар майдонни эгаллаган сановат корхонаси тўлиқ қувват билан ишга туширилган, йилга 3 минг тонна бўялган трикотаж матоси ва 5 миллион дана тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Яна 750 та иш ўрни яратилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 50 фоизи экспорт қилинади.

• Дунё халқларининг миллий таомларини кенг оммага танитиш, озиқ-овқат сановати ва гастрономик туризмни ривожлантиришни татбиқ қилиш билан шуғулланган "Slow Food" халқроқ тижорат ташкилоти бизнинг мамлакатимизда ҳам ўз фаолиятини бошлади. Таъкидлаш жоизки, ҳозирда ушбу халқроқ ташкилот жаҳоннинг 160 дан ортиқ мамлакатларида минглаб лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

• Жиззах вилоятидаги "Фориш" полигонидида Ўзбекистон Миллий гвардияси ҳарбий хизматчилари ва Хитойнинг Халқ қуролланган милицияси вакиллари иштирокида "Ҳамкорлик – 2019" биргаликдаги Ўзбекистон – Хитой антитеррористик машқлари бўлиб ўтмоқда. Ташкилотчиларнинг фикрларига кўра, ҳамкорликда ўтказилаётган ҳарбий машқлар Ватан ҳимоячиларининг касб маҳоратларини оширишда муҳим роль ўйнайди.

• AMAZON ва BLUE ORIGIN компанияларининг раҳбари Жефф Безос Вашингтонда ойда ҳаракатланадиган аппаратнинг ўхшаш нусхаси – "Blue poop"нинг намойишини ташкил этди.

• Европарламентга сайловлар яқин қолган шу кунларда Чехия, Италия, Португалия ва Хорватия мамлакатларининг энг кам овоз берадиган, ушбу жараённинг ёшларнинг фаоллигини ўтадиган давлатлар қаторига кириши маълум бўлди.

• Францияда бўлиб ўтган қасаба уюшмаларининг норозилик намойишида юз мингга яқин киши иштирок этди.

• LOTTE меҳмонхонасида "YANGI INSON" МЧЖ ва Корей Республикасининг "KISAN CONSTRUCTION" ўртасида янги тиббиёт қўшма корхонасини ташкил этишга бағишланган тадбир ўтказилди.

• Тошкент ҳайвонот боғида янги парк ва аквариум ташкил этилади.

• Миллий матбуот марказида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан "Жамоа шартномалари ва келишувлари меҳнатқилар ижтимоий ҳимоясини кўчатириш ҳамда улар турмуш даражасини оширишнинг муҳим омилидан бири" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

• KISQA SATPAPDA

• KISQA SATPAPDA

Бугунги кунда мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар халқаро ҳамжамият томонидан муносиб эътироф этилмоқда. Мамлакатимиз ва халқаро оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали узатилаётган ахборотлар, халқаро институтлар томонидан эъло қилинаётган баҳолаш натижалари, нуфузли эксперт ва жамоатчилик вакиллари илқ ва ҳолис муносабатлари ҳам фикримизга ёрқин мисол бўла олади.

Бундай юксак марраларга эришишда илгор ва халқаро тажрибага асосланган миллий стратегия, хусусан, мамлакатимиз келажаги, халқимиз ҳаёти ва фаровонлигига дахлдор банк-молия, иқтисодиёт, солиқ ва бошқа муҳим соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислохотлар муҳим ўрин тутмоқда. Иқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш сари дадил одамлар эса мустаҳкам бюджет ва ижтимоий маъмурият гарови, мамлакатимиз тараққиётининг муҳим қафолати бўлиб ҳизмат қилмоқда.

Ана шундай вазиятда давлатимиз раҳбарининг давлат бюджети ижросини таъминлашда парламент назорати ва эшитувини амалга ошириш, бу борада очик-ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш, жамоатчиликни хабардор этиш бориш зарурлиги тўғрисидаги ташаббуси мамлакатимиз тарихи ва ҳаётдаги муҳим воқелик бўлди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Сенаторлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, журналистлар иштирок этган тадбирда 23 масала, 8 та қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Унда маъқулланган қонунлар мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларидаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашга, ислохотларнинг изчиллигини таъминлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилди.

Сенат фаолиятида муҳим бир тартиб – Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг ҳисоботини эшитиш жорий этилган эди. Шунга кўра, ялпи мажлисда палатанинг 2018 йилги фаолияти бўйича ҳисоботи тинланди. Сенат аъзоси сифатида ушбу мажлисда иштирок этиб, ҳисоботнинг тўлиқ мазмун-моҳияти билан танишиб, амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш имконига эга бўлдим.

Хисоботда қайд этилишича, Хисоб палатасининг 2018 йил фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал қилишга, Давлат

бюджетини шакллантирадиган ва унинг даромадларини кўпайтирадиган захираларни аниқлашга, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга инвестициявий лойиҳаларни рўйбга чиқаришга қаратилган.

Мажлисда Хисоб палатаси томонидан тегишли топшириқлар ижроси, бюджет даромадлари тўлиқлигини таъминлаш устида тизимли назорат ўрнатилгани, ҳар бир солиқ

фалар ижросига сарф этилгани эса Хисоб палатаси зиммасига юклатилган вазифалар самарали ташкил этилганидан далолат, дейиш мумкин.

Таъкидланганидек, Хисоб палатаси 2018 йилдаги ўрганишлари натижасида қатор сустанлик ва қонунбузилиш ҳолатларининг олди олинди. Хусусан, ўтказилган ўрганиш ва назорат тадбири чоғида молиявий камчи-

## Иқтисодиёт ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА МОЛИЯ ТИЗИМИ НАЗОРАТИ – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ

турлари ва ҳудудлар кесимида кунлик мониторинг олиб борилгани, шунингдек, 2018 йилда бюджетта 54 триллион 194 миллиард сўм солиқ тушумлари жалб қилиниб, белгиланган прогноздан 30 фоиз ортиги билан бажарилгани, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 1,4 баробар қўлиғи ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, маърузада бюджетта қўшимча манбаларни аниқлаш ва сафарбар қилиш бўйича барча ҳудудларда олиб борилган ўрганишлар ҳақида сўз борди.

Ўтган йили қўшимча даромад жалб этиш юзасидан жойларда олиб борилган ўрганишларда ишчи гуруҳлар томонидан 1 миллион 910 миң нафардан ортиқ солиқ тўловчи фаолият таҳлил қилинган, унга кўра, жами 4 триллион 722 миллиард сўм миқдорда қўшимча манбалар аниқланган, бу маблағлар ижтимоий объектлар ва ички йўлларни қуриш-таъмирлаш, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари бўйича аҳоли бандлигини таъминлаш ва “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси фаолиятида белгиланган вазифаларни ҳал қилишга, Давлат

лик, самарасиз харажатлар аниқланди. 4 та олий таълим муассасаси объектлари қурилиши ишларнинг сифатсиз бажарилиши, камомад, қўшиб ёзиш каби камчиликлар аён бўлди. Республика йўл жамғармаси ҳисобида четдан битум харид қилиниб, пудратчиларга етказилган учун ажратилган маблағлар молиялаштириш даврида ушлаб қолинмагани ойдинлашди.

Шу каби янги иноватга олиб, Давлат бюджетига, давлат мақсадли жамғармаларига тушумларнинг тўлиқлигини, уларнинг мақсадли шаклланишини ва самарали ижро этилишини таъминлаш, солиқ соҳасида ислохотларни амалга ошириш ва бюджетта қўшимча даромад манбаларини аниқлаш бўйича ишларни мунтазам давом эттириш керак. Бунда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига, Давлат бюджетини шакллантириш ва унинг даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш ҳамда уларни ишга солишга, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилишини оширишга, Президентимизнинг олий даражадаги таш-

рифлари чоғида эришилган келишув ва битимлар, стратегик аҳамиятга эга инвестициявий лойиҳалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ижроси ҳамда келгуси йил бюджет параметрларининг Олий Мажлисда кўриб чиқилишида ижобий натижаларга эришилганига алоҳида эътибор қаратиб, ўтган йил декабрь ойида 2019 йилги давлат бюджети параметрларини муҳокама қилиш жараёнида Молия вазирлиги ва тегишли вазирликлар мутахассислари томонидан депутатларнинг саволларига етарлича жавоб қайтарилганидан кейин овоз бериш натижаларига кўра, давлат бюджети қабул қилинмасдан, Хукуматга қайтарилганини алоҳида таъкидлади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштириш, молиявий ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ва уларнинг олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлат молиявий назорати ва ички аудит фаолиятини ташкиллаштириш, уни амалга оширишнинг халқаро усуллари ҳамда воситалари амалиётга изчил жорий этилди. Питровда давлат молиявий назорати ва ички аудит органларининг ўзаро ҳамкорлиги таъминланиб, бюджет маблағларининг ноқонуний сарфланиши, талон-тароҳ қилиниши каби ҳолатларни бартараф этишнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди.

Ислохотлар изчиллигини ва давлат бюджетини харажатларидан оқилона фойдаланишни таъминлашда давлат молияси ва бюджет тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутди. Шу боис, молиявий назорат соҳасига янги истиқболли тизимлар ва усуллари жорий қилиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки бюджет маблағларининг тўғри ва мақсадли йўналтирилиши миллий иқтисодиётни ривожлантириш, юқори қийматли ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, инновацион тараққиётга эришиш, кўрсатилган хизматларнинг сифати ва ҳажмини оширишнинг ягона омили ҳисобланади. Бунда давлат молиявий назоратининг амалга оширилиши, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишга эришиш муҳим аҳамиятга эга.

**Кувондик САНАКУЛОВ,**  
**Олий Мажлис Сенати аъзоси,**  
**“Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонаси бош директори**

## ҲАМИША ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДА

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб тадбир ўтказилди.**

Фашизмга қарши урушда мардонавор жанг қилган, оғир машаққат ва мусибатларни бошидан кечирган қаҳрамон боболаримиз хотираси ёдга олинди. Шунингдек, Ватанимизни ҳимоя қилишда жонини фидо қилган, халқимиз орзу қилган эркинлик учун курашган миллий қаҳрамонларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириш миллий анъанасига айланмоғи кераклиги алоҳида таъкидланди.

Тадбирда “Нуроний” жамғармаси томонидан бир гуруҳ кекса ижодкорларга “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонлари ҳам топширилди.

– Бу йилги Хотира ва Қадрлаш кунини мамлакатимизнинг барча туман ва қишлоқларида ҳар йилгидан ҳам қизгин тайёргарлик ва кўтаринкилик билан ўтказилаёти. Айниқса, орамизда тобора сафи камайиб бораётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари бўлган нуроний кексаларимизга, фронт ортида оғир кунларни сабрбардош билан енгган, машаққатли синовларда ўзлигини йўқотмаган, иймони мустаҳкам аجدодларимизга кўрсатилаётган гамхўрлик, меҳр-оқибат ҳар йилгидан-да ўзгача, – дейди шоира Сайёра Тўйчиева.

**О. БЕКМУРОВОДА**

## ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ ҚУРАШИШНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

**Тошкентда “Маҳаллий даражада зўравон экстремизмга қарши туриш: турфа ёндашувлар, узвийлик ва синергиялар” мавзусида очик мулоқот ўтказилди.**

“Тараққиёт стратегияси” маркази халқаро ташкилот ва институтлар билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирда “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти вакиллари (Словения), Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистондан келган экспертлар, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда истикомат қилётган турли миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, диний бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши айнан диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласига бағишлангани, бу борада кўрилатган амалий чораларга ўхталиб ўтилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь кунини БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли махсус резолюцияни қабул қилиш тўғрисидаги ташаббусни илгари сурган ва у кенг жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланган эди. Ушбу ташаббуснинг асосий мақсадларидан бири, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларни камситишга йўл қўймастикка ёрдам бериш ҳисобланади.

– Маъмур масала дунё миқёсида энг долзарб бўлиб қолмоқда, – дейди “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Элдор Туляков. – Таҳлиллар Яқин Шарқ, Афғонистон, Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё ҳамда Африкада террорчилик гуруҳлари интернет орқали ҳужумлар содир этишга чорлаб, фаол тарзда аширин усуллари қўллаётгани минтақа учун катта муаммо эканини кўрсатади. Маълумотларга кўра, 2001–2015 йиллар жаҳон бўйлаб қайд этилган 85 миң терроризм ҳолатидан 62 таси Марказий Осиёда рўй берган. АҚШ томонидан “террорчи” дея тан олинган 61 ташкилотдан 2 тасининг Марказий Осиё билан алоқаси бор. Аммо бу хотиржам бўлишга етарли эмаслигига муҳокамалар чоғида алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ёшларининг камолотига оид зарур ва ҳаётини ислохотлар аҳамияти хусусида афрофила сўз юритилди. Хусусан, ҳуқуқий маданият, диний-ахлоқий маърифатни юксалтиришда мамлакат тажрибасини омдалаштириш, дунёнинг энг нуфузли ташкилоти томонидан Ўзбекистон ташаббуси асосида қабул қилинган резолюция аҳамиятига ўхталиб ўтилди.

Бундан ташқари, ижтимоий реабилитация, экстремистик гоялар таъсирини тушиб қолган ва ўз хатосини англаганларни нормал ҳаётга қайтариш бўйича тизимли ишлар таҳлил қилинди. Бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш борасида тақлифлар билдирилди. Бу борада халқаро экспертларнинг қарашлари, кузатиш ва таҳлиллари натижалари тинланди.

Таҳдидларга қарши курашишнинг халқаро ҳуқуқий асосларидан келиб чиққан ҳолда, ўзаро ҳамкорликни кучайтиришнинг аҳамияти ҳамда сабий-ҳаракатларни мувофиқлаштиришнинг ўрни иштирокчилар диққат марказида бўлди.

**Абдулазиз МУСАЕВ,**  
**ЎЗА муҳбири**

## СТРАТЕГИЯНИНГ БИР ЙЎНАЛИШИГА НАЗАР

**Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашда ушбу иборалар муҳим ўрин эгаллайди. Ҳар қандай ҳокимият, жумладан, демократик жамиятлардаги давлат ҳокимияти ҳам ҳеч бир муаммоларсиз фаолият кўрсатмайди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, жаҳон бозори қонъюктураси кескин ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётган шароитда давлатимизни янада барқарор ва жадал сурьатлар билан ривожлантиришнинг мураккаб янги ёндашув ҳамда тамойилларини белгилаб берган тарихий ҳужжат бўлди.

Ҳаракатлар стратегиясининг энг муҳим жиҳатларидан бири шуки, ундаги беш асосий устувор йўналишнинг ҳеч бирига алоҳида назар, айрича эътибор билан қаралмайди. Бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси юртимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётимизнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича аниқ устувор йўналишларни амалга оширишга қаратилгани билан аҳамиятланиб, ҳар бир йўналишлар бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ. Хусусан, қонун устуворлигини таъминлашдан иқтисодиётни эркинлаштириш ва рақобатни кучайтириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш мураккаб масала ҳисобланади. Тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдан эса барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди.

Ҳаракатлар стратегиясининг, ҳеч мунозарасиз, мамлакатимизнинг яқин беш йиллик келажагини белгилловчи, бутун халқимизнинг иродасини ифода этган муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга ҳужжат, деб алоҳида эътироф этиш лозим.

Ҳаракатлар стратегиясида дунёнинг турли нукталарида тинчлик ва оқилолиққа таҳдидлар кучайиб, маъмур масала ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиб турган бир пайтда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўналишига алоҳида эътибор қаратилгани эътирофга сазовор. Ўтган давр ичида мамлакатимизда қабул қилинган Миллий хавфсизлик концепциясига асосланиб, Марказий Осиё минтақасида тез сурьатлар билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда, юзага келаётган таҳдид ва хатарларнинг ҳар томонлама чуқур таҳлили ва Куролли Кучларни барпо этишнинг мураккаб янги принциплари негизида армиямизни ислохот қилиш бўйича ушбу стратегик йўналишлардан келиб чиқиб узок муддатга мўлжалланган Муҳофаза доктринаси ишлаб чиқилди.

Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон тараққиёти йўлида халқимиз амалга ошираётган ислохотларнинг сифат жиҳатидан – янги ва қўшқин, қўлаб жиҳатидан – кенг ва қамровдор, халқимиз манфаатларини таъминлаш бўйича юксак натижадорлиги нукта назаридан эса бекиёс даражада барақали босқинчи бошлаб берди. Бу стратегик ҳужжат юртимизда юз бераётган ўзгаришларга тамомла янгича нигоҳ билан қараш, эришилган муваффақиятларни янада чуқурроқ ағлаб етишининг ўзига хос юксак мезони, демократия.

Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши мамлакатимизда ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлат чегараларининг дахлсизлигини, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, она дёбимизнинг энг ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олишига хизмат қилди.

**Шерали КАМБАРОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академияси ўқитувчиси, подполковник**

## Фуқаролар йғини раислиги сайловлар ИШОНЧ КАТТА МАСЪУЛИЯТДИР

**Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва маърифий тарбиялаш, касбга йўналтириш, аҳоли орасида миллий қадриятларни кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этмоқда.**

Маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ривожланиб, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш такомиллашмоқда. Сўнгги йилларда ушбу ноёб институт фаолиятининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 15 февралдаги “Фуқаролар йғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори-га асосан мамлакатимизда шу йил май ойида фуқаролар йғинлари раислари (оқсоқоллари)нинг навбатдаги сайловы янги қонун асосида ўтмоқда. Бу сайловда шахримиздан 508 та фуқаролар йғини раислари сайланади.

Шу кунларда қизгин паллага кирган сайловларда ҳамшаҳарларимизнинг фаоллиги кўзга ташланмоқда. Муҳим ижтимоий-сиёсий жараён демократик тамойилларга мос ҳолда, юқори савияда ўтмоқда.

Мирзо Улугбек туманидаги “Нодирабегим” маҳалла фуқаролар йғинида бўлиб ўтган сайловда раисликка икки номзод қўйилди. Номзодлар – Ёқубжон Қўшоқов ва Хайрулла Зиямухаммедов ўз режаси ҳақида сўзлаб беришди.

Ё.Қўшоқовнинг дастурини “оила – маҳалла – мактаб” ҳамкорлигини

кучайтириш, нотинч оилалар билан ишлаш каби эзгу мақсадлар жой олган.

Х.Зиямухаммедов маҳаллани ободонлаштириш, ижтимоий, маънавий муҳитини яхшилаш, салбий иллатларнинг олдини олиш йўлидаги ишларни янада жадаллаштиришни мақсад қилган.

Сайлов натижаларига кўра, ушбу маҳалла раиси сифатида 11 йилдан буён фаолият юритиб келаётган Хайрулла Зиямухаммедов раис этиб қайта сайланди.

Шайхонтоҳур туманидаги “Янгиобод” маҳалласида ҳам фуқаролар йғинлари раиси (оқсоқоли) сайловы ўзига хос уюшқоқлик, кўтаринкилик руҳида ўтди. Сайлов жараёнида 345 та фуқаро иштирок этди. Аҳолининг фаол иштирок этаётгани уни муқобиллик, шаффофлик тарзида ўтказиш, номзодлар ичидан ҳар жиҳатдан ташаббускорларни саралаб олиш имконини бермоқда.

– Бугун маҳалла раисига кенг имконият, қулай шарт-шароит ярати берилиши билан бирга, унинг зиммасидаги масъулият янада ошди, – дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши раис ўринбосари Нурхон Алланазарова. – Эл дарди, халқ фаровонлиги, турмушдан рози бўлиши каби залворли ишларнинг бошида энди раис туради. Шундан кўриниб турибдики, соҳа учун катта ҳаёт ташрибаси, бой билим ва юксак ишчанлик салоҳиятига эга кадрларни жалб этиш ҳаётини заруратга айланган. Маҳалла оқсоқоллари учун яратилган имкониятлар маҳаллага раис бўлишнинг истовчилар сафининг кенгайишига сабаб бўлди. Бугун шиддат билан ўзгариб бораётган даврда маҳаллада истикомат қилётган фуқаролар, ёшу қари сайлов жараёнларида жуда фаол. Пойтахтимизда 508 та маҳалла фуқаролар йғини мавжуд. Жорий йилнинг 1-5 май кунлари 148 та маҳалла фуқаролар йғинида сайлов бўлиб ўтди. Шундан 27 та маҳаллада аёллар раис сифатида сайланди. Жамиятимизда ҳар соҳада аёллар фаол иштирок этаётганини кўриш мумкин. Маҳалла эса бирламчи тарбия масканларидан бири. Шу боис ҳам масъулият янада юксак.

“Янгиобод” маҳалласида ҳам номзодлар яширин овоз бериш йўли билан аниқланди. Натижаларга кўра, Манзура Валиева энг кўп овоз тўплаб, “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йғини раислигига сайланди.

**(Ўз муҳбиримиз)**

## САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

**Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан жамоат ташкилотлари фаолиятини институционал қўллаб-қувватлаш бўйича жорий этилган механизм ўз натижасини бермоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йили Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси фаолиятини институционал қўллаб-қувватлаш, туризмни ривожлантириш соҳасида хорижий ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатиш, хорижда мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган эди.

Ўзбекистон ошпазлар уюшмасида Италиянинг “IPSEO TOR CARBONE” институти билан икки томонлама меморандум имзоланди.

Унга асосан, томонлар ўзбек гастрономик брендларини Италиянинг Рим шаҳрида тақдимот қилиш ҳамда маъмур институтининг ишончли ҳамкорларидан саналган Франция ошпазлар ассоциацияси кўмағида гастрономик туризм соҳаси бўйича икки томонлама диплом берувчи малака ошириш курсларини ташкил этиш, ўзаро ҳамкорликда ўқув ва

илмий адабиётлар чоп этиш; Италия ва Франция меҳмонхоналарида ўзбек нонушталарини жорий этиш; Париж шаҳрида ўзбек гастрономик брендларни тақдимотини ўтказиш; гастрономик хизмат соҳасида талабалар алмашинуви дастурларини йўлга қўйиш режалаштирилди.

Учрашув давомида Италиянинг “IPSEO TOR CARBONE” институти вакили Кристина Тонелли Европада Ўзбекистонда гастрономик туризм мақсадида ташир буюрувчи сайёҳлар сони ниҳоятда кўплигини таъкидлаб ўтди. Бу соҳа истиқболли бой тарихга эга қадимий ўзбек ошхонаси брендларини Европа стандартларига мос равишда тақдим этишга ҳам боғлиқлиги эътироф этилди.

Шунингдек, Кристина Тонелли учрашув якунида гастрономик тур маршрутларини ишлаб чиқиш бўйича Европа университетлари орасида етакчи ўринларни эгаллаган “TOR CARBONE” университети билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда амалий ёрдам беришга тайёр эканлигини маълум қилди.

**Гўзал ВАХОБОВА**

Китоблар азал-азалдан инсоннинг энг яқин дўсти, сирдоши ҳисобланиб, ҳозирги кунга қадар ҳам ардоқланиб, эъзозланиб ва эътироф этиб келинмоқда. Аждодларимизнинг бой тарихий меросларини ҳам айнан китоблар орқали таниймиз ва тафаккуримиз ортади.

Сўнги йилларда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан китобга бўлган эътибор ва ҳалқимиз орасида китобхонлик маданиятини ошириш соҳасида қабул қилинаётган бир қатор фармойиш ва қарорлар бунга яққол мисол бўла олади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори ҳалқимиз, шу жумладан ёшларнинг маънавий дунёсини бойитишда муҳим дастуруламал хужжатдир.

Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг саяё-ҳаракатлари билан ҳалқимиз, айниқса ёш авлоднинг ҳар томонлама кенг дунёқараш ва юксак тафаккурга эга бўлишига эришиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилиб, китоб ўқиш, китоб мутлоасида ҳикмат кўплигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган 5 муҳим ташаббусдан айнан бири ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, уларнинг маънавиятини юксалтириш муҳим вазифа сифатида белгиланди.

Бу борада Ёнгин хавфсизлиги институти томонидан ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, институтнинг ўзинга хос залворли ўтмиш ва бой маънавий-маърифий меросга эга зиё маскани – Ахборот-ресурс маркази ходимлар ва курсантларнинг билим ва иқтидори, тажрибасини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўқув жараёнини зарур адабиётлар, қонун ҳужжатлари, ўқув қўлланмалари, илмий-тадқиқот ишлари, бадий адабиётлар ҳамда даврий нашрлар билан таъминлаш, миллий маданиятимизни янада ривожлантиришга қўмаклашиш орқали уларнинг билими ва касбий салоҳиятини оширишга ҳисса қўшиб келмоқда.

Айни пайтда Марказ таркибиде умумий кутубхона, махсус ва юридик кутубхоналар фаолияти йўлга қўйилган. Даргоҳда ўзаро локал тармоққа бириктирилган замонавий электрон кутубхона ташкил этилган. Электрон ресурслардан фойдаланишни ташкиллаштириш

борасида ахборот-ресурс марказининг автоматлаштирилган тизими дастурий таъминоти жорий этилиб, ундан самарали фойдаланилмоқда. Жумладан, 8000 дан ортиқ таълим соҳасига оид ўқув-услубий қўлланмалар ва бадий адабиётларнинг электрон манбаларининг базаси жамланган ва фойдаланиш учун жорий қилинган.

Институт ахборот-ресурс маркази "ZiyoNET" таълим

## АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗЛАРИ ВА КУТУБХОНАЛАР – МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИ

ахборот тармоғига уланган. Бундан ташқари, электрон кутубхонада "АРМАТ" (Ахборот-ресурс марказининг автоматлаштирилган тизими) дастурий таъминоти ишга туширилиб, ундан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган. Электрон кутубхона Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ахборот-кутубхонаси фондида улангани алоҳида айтиш жоиз.

Юридик кутубхонада Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда инсон ҳуқуқларига оид жами 2000 дан ортиқ китоблар ва даврий нашрлар мавжуд.

Кутубхона фондида 99 мингдан ортиқ адабиётлар билимини янада мустаҳкамлаш учун муҳим омил бўлмоқда. Ўқув жараёнини янги ўқув адабиётлари билан таъминлаш мақсадида турдош олий таълим муассасаларидан ҳам 200 га яқин ўқув-адабиётларнинг электрон нусхалари олиб келинди.

Шунингдек, Ахборот-ресурс маркази томонидан "Китобхонлик маданиятини юксалтириш – буюк мақсадларимизга эришишни муҳим қадрлатидир" шiori остида институтда "Адолат", "Ўқитувчи", "Ёшлар матбуоти", "Интеллектуал медиа сервис" каби наشريёт уйлари билан ҳамкорликда мунтазам равишда "Китоб ярмаркалари" ташкиллаштирилиб келинмоқда.

Ёшлар иттифоқининг институтдаги бошланғич эълонлиги билан биргаликда Ўзбекистон Ёзувчилар уюш-

маси аъзолари, таниқли журналистлар ва адабиётшунос олимлар иштирокида ижодий учрашувлар ўтказиб борилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон халқ ёзувчилари Тоҳир Малик, Муҳаммад Али, таниқли саныаторлар Теша Мўминов, Тоҳир Саидов, Тolib Мўминовлар билан маърифий учрашувлар ўтказилди.

Таълим муассасасида "Китоб – қалбим нури", "Энг яхши китобхон" кўрик-танловлари ташкил этилиб, уларда барча ходимлар ва курсантлар фаол иштирок этди.

Яқинда "Китобхон шаҳар" лойиҳаси доирасида институт ҳудудида аҳоли, айниқса ёшлар учун мўлжалланган бепул "Халқ кутубхонаси" очилди. "Халқ кутубхонаси" жавонларига 700 га яқин ўзбек ва жаҳон адабиётига оид бадий китоблар жойлаштирилди. Улар орасида сеvimли адибларимиз Абдулла Орипов, Ўткир Хошимов, Эркин Воҳидов, Худойберди Тўхтабоев, Муҳаммад Юсуф, Тоҳир Малик ва бошқа жаҳон адабиёти намояндаларининг асарлари борлиги институт атрофида яшовчи ёш авлод вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари томонидан илиқ кутиб олинди.

"Китобхонлик бизни бирлаштиради" хайрия акцияси доирасида таълим муассасамизни битирган, шунингдек, фаолият юритган ҳамда бугунги кунда турли масъулиятли лавозимларда ишлаётган раҳбар ходимларнинг институти кутубхонасига китоблар жамланмасини совға қилиш билан боғлиқ тадбирлар ўтказилди. Институт профессор-ўқитувчилари томонидан Яшнобод туманидаги 30-сонли Меҳрибонлик уйига, Ўртачирик туманидаги 124-сонли имконияти чекланган болаларга мўлжалланган мактаб-интернати ҳамда Сергели туманидаги 2, 3 ва 285-сонли умумтаълим мактабларининг ўқувчиларига бадий адабиётлар жамланмалари совға қилинди. Бундан ташқари, институтнинг Ахборот-ресурс маркази Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Ўзбекистон миллий кутубхонаси билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Хулоса қилиб айтганда, илм-маърифат, эзулик истаган инсон борки, китоб билан ошнодир. Китоблар ҳақида, улар ардоқлангани, эъзозлангани зий масканлари бўлиши Ахборот-ресурс марказларининг аҳамияти тўғрисида кўплаб гапириш ва ёзиш мумкин. Зеро, китобни асраган жамият, эл, қолаверса, халқнинг келажаги ҳамisha нури бўлади.

**Шерали АНВАРОВ,**  
Ёнгин хавфсизлиги институти  
Ахборот-ресурс маркази бошлиғи,  
подполковник

## Қарор ва ижро

### ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТ ХАРИТАСИ МАМЛАКАТНИ РИВОЖЛАНТИРАДИ

Қайси жамиятда маънавий-маърифий ислохотлар натижа берса, ўша ерда тинчлик, барқарорлик қарор топади, илм-фан, маданият ривожланади.

Бу, ўз навбатида, жамият олдида турган энг мураккаб муаммоларга ечим топиш имкониятини яратди.

Президент Шавкат Мирзиёев ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш, хусусан, ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш бўйича илгари сурган 5 та муҳим ташаббус ана шу гоият мураккаб ва нозик жараён самарали кечishi хизмат қилади. Ўз навбатида, бу ташаббуслар замирида юртимизда яшайётган ҳар бир инсоннинг бугунги тақдир ва келажаги ҳақида қайғурётган буюк қалб бедорлиги, бу муаммоларга ечим бўлаётган инсонларвар сийасат муҳассаси.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 3 май куни қабул қилинган "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини янада мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашдек буюк мақсадлар йўлидаги саяё-ҳаракатларни янги босқичга кўтариши шубҳасиз.

Афсуски, дунёда гоийаий-мафкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий тақдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга бепи-сандлик, зарарли ёт гоийаий таъсирга берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб қўшилиш ҳолатлари ҳамон ўчрайпти. Қарорда маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавий соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан қўмаклашиш мақсадида

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланди. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. "Маҳалла – туман – вилоят – республика" принципи асосида ижтимоий-маънавий муҳит харитаси шакллантирилди.

Маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш, юксак ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришдаги самарали меҳнати ва ибратли фаолияти учун давлат органлари ва ташкилотлар ходимларини тақдирлаш мақсадида "Маънавият фидойиси" кўрак нишонини таъсис этиш белгиланди. Марказ ҳузурида "Маърифат" тарғиботчилар жамияти нодавлат ношаро ташкилоти тузилди ва унда марказнинг ҳудудий бўлим ва бўлимчалари ходимлари, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг маънавий-маърифий ишлар учун масъул ходимларини тизимли равишда ўқитиш амалиёти жорий этилади. "Madaniyat va ma'rifat" телеканали Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг бош ахборот хамкори этиб белгиланди.

Қарорда белгиланган вазифалар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловлиди платформасида кўрсатилган гоия ва мақсадлар билан ҳам муштарак. Ёшлар қалбига халқимизнинг минг йиллик маънавий қадриятлари, урф-одатлар ва анъаналарини сингдириш, уларни миллий гурур ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдек эзгу вазифалар билан ҳамроҳанг. Демак, партиянинг барча бўғинларида фаолият кўрсатаётган ходимлар ва маҳаллий Кенгаш депутатлари ушбу қарор ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиши лозим.

**Лазиз ХАСАНОВ,**  
"Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси, халқ депутатлари Яққасарой тумани Кенгаши депутати

## ЗАМОНАВИЙ СОЦИОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат бошқаруви академияси хамкорлигида "Ахборотлаштирилган жамиятда замонавий социологиянинг долзарб масалалари" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда Президентимизнинг 2019 йил 22 февралдаги "Социология тадқиқотлар ўтказишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида амалга оширилган ишлар ва янгиликлар хусусида сўз борди.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида социология бўлими 30 йилдан буён фаолият юритиб келади. Бу соҳани эгаллаган мутахассислар юртимиз-

нинг ижтимоий ҳаётида социологик тадқиқотларни олиб боришда фаол иштирок этмоқдалар.

Анжуманда социология фанини ўқитишнинг назарий-методологик жиҳатларини тақомиллаштириш, замонавий социологиянинг бугунги ҳолати, чет эл тажрибаси ва ундан фойдаланиш имкониятлари масалалари борасида сўз юритилди.

Ўзбекистонда социологик тадқиқотларни олиб бориш, таълим йўналишларида социология фани ўқитилишига эришиш, давлат бошқаруви, жамоат ташкилотлари, илора ва илмий марказларни профессионал социологик кадрлар билан таъминлаш ҳамда юртимизда Ўзбекистон социология асоцияцияси фаолиятининг келажақдаги истиқболлари фаолиятига доир долзарб тақлифлар билдирилди.

**Гулчехра ДУРДИЕВА**

## АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Бугун мамлакатимизда ҳар бир йигит-қиз ўзи хоҳлаган олий ўқув юртида ўқиши, билимини янада мустаҳкамлаши, замонавий ахборот технологиялари сир-асрорини чуқур ўрганиши, замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши ва касб-ҳунар эгаллиги учун барча имкониятларга эга.



Аҳоли, айниқса ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш даражасини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда эса бўш иш ўринлари ярмаркаларининг ўтказилиши айна мудида.

"Ёшлар ижод" саройида "JobFair 2019" – 12-аънаваний бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам айни шу мақсадда ташкил этилди. Икки кун давомида ўтган бўш иш ўринлари ярмаркаси бу йил ўзгача тарзда ўтказилди. Компанияларнинг барча вакиллари биринчи кун – "JobFair – 2019" Business доирасида амалий дастур асосида ташкил этилди.

Семинарнинг биринчи қисми "Турбо-рекрутинг: ходимларни қай тарзда рақобатчилардан тезроқ топиш мумкин?" мавзусига бағишланди. Рекрутингда рақобатчилик, менежерларнинг тилик халатлари ва HR-мутахассислари фойдалангани воситаларга тегишли масалалар кўриб чиқилди. Иккинчи қисмида ишга яққа тартибдаги ёндашувга катта эътибор қаратилди. Семинар якунида компаниялар вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга халқаро микёсдаги мутахассис – Илғиз Валимуровдан жавоб олиш имконига эга бўлдилар. Маҳорат дарсидан сўнги спикер Лола Раззакова билан биргаликда "Y ва Z авлоди HRM учун плюс ва минуслар" мавзусидаги давра сўхбати B2B баҳс-мунозара тарзда ўтказилди.

Бўш иш ўринлари ярмаркасининг инвент-хамкори Seventeam Events томонида компаниялар вакиллари учун интерактив танлов кунининг ёқимли якунига айланди. Корпоратив тадбирни бепул ташкил этиш учун сертификат асосий соврин бўлди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

## Яшнобод тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

### ЯШНОБОД ТУМАНИНИНГ 2019 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 31 декабрь, 52-(I)-сон) 28, 99-моддалари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мақлиси Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджетини, давлат мақсадили жағарамаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сийасатининг асосий йўналишлари тўғрисида"ги СҚ-348-III-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетини параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли қарори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2018 йил 26 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджетини даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 402/46-5-сонли қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджетини параметрлари тўғрисида"ги 1865-сонли қарори, халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгашининг 2018 йил 29 декабрдаги "Яшнобод туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджетини даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида"ги 72/1-13-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар Молия Бош бошқармасининг 2018 йил 27 декабрдаги 02-4-сонли хатига асосан,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 27 декабрдаги "Тошкент шаҳрининг 2019 йилги маҳаллий бюджетини параметрлари тўғрисида"ги 1865-сонли қарорига асосан халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгашининг 2018 йил 29 декабрдаги 72/1-13-сонли қарори билан қабул қилинган Яшнобод туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджетини ижро учун қабул қилинсин.
- Куйидагилар:  
Яшнобод туманининг 2019 йилги маҳаллий бюджетини асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;  
Яшнобод туман маҳаллий бюджетларининг 2019 йил даромадлари ва харажатлари, шаҳар маҳаллий бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган мақсадили ижтимоий трансфертлар миқдори 2-иловага мувофиқ;  
Давлат солиқларидан Яшнобод тумани маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ;  
Яшнобод туман маҳаллий бюджетининг 2019 йил учун нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 4-иловага мувофиқ.
- Яшнобод тумани Молия бўлимига ўрнатилган тартибда тегишли маҳаллий бюджетларга маблағлар ва бюджет сусдалари (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик қасса тафовутларини қоплаш учун) ажратилди, уларнинг миқдорларини ҳудудлар бўйича барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан шунингдек, иш ҳақи (ягона ижтимоий тўлов билан), нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича бюджет харажатларини биринчи навбатда сўзсиз молиялаштирилиши зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш ҳуқуқи берилсин.
- Яшнобод тумани Молия бўлимига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг билдиришномасига кўра, бюджетнинг харажат қисмига ўзгартиришлар қиритишига рухсат берилсин.
- Туман ҳокимлиги матбуот котиби (Э.Холбобоев): мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва yashnobodnews.uz веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.
- Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кўча қиради.
- Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Яшнобод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Ахмеджанов зиммасига юклатилсин.

Яшнобод тумани ҳокими  
**Х.Тиллашайхов**

2019 йил

## ЮКСАЛИШГА ҚАТЪИЙ ҚАДАМ

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса ёшларнинг жиноят содир этган қисми билан самарали ишларни олиб бориш, хусусан улар томонидан тақорр жиноятлар содир этилмаслиги юзасидан тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ёшлар иттифоқи томонидан "Барчаси ўз қилинган" тарғибот декадаси лойиҳаси ҳар ойнинг 10 куниде мунтазам ўтказиш тизими йўлга қўйилган. Лойиҳа доирасида айнан жиноят содир этиши мумкин бўлган тарбияси оғир, ИИБ профилактика хисобиде турувчи ва жақони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, Ёшлар иттифоқи кафилиги берилган ва Президент томонидан афв этилган ёшлар билан профилактика тадбирлари амалга ошириб боришмоқда.

Ёшларимизга пробация хизмати тўғрисида тушунтиришлар бериш, шунингдек, жақони ижро этиш муассасаларидан озод этилганларнинг муаммоларини ҳал этишга қўмаклашиш, уларнинг жамиятга мослашишларида ёрдамлашиш, юридик масалаҳатлар бериш мақсадида Ёшлар иттифоқи ҳамда Ички ишлар вазирлиги Пробация хизмати хамкорлигида Тошкент шаҳар Ёшлар марказида "Синодан юксалишга қатъий қадам" мавзусида очик мулоқот ўтказилди.

Учрашувда Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманидан 15 нафардан жақони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёшлар билан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашидан А.Алимов ва Г.Турсиниетовлар, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жақони ижро этиш бош бошқармаси хузуридаги Пробация хизмати бошлиғи, полковник М.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги сектор мудири Ж.Норжигитов ва Республика Ёшлар маркази вакиллари ўртасида жонли мулоқот ташкил этилди. Унда ёшларнинг муаммолари тингланди, ҳуқуқшунос мутахассисларнинг юридик масалаҳатлари берилди, иш билан банд бўлмаганларга бўш иш ўринлари тақлиф этилди, тадбиркорлик қилиш истагида бўлганларни мутахассислар томонидан қўмақлар берилди.

Мазкур амалий учрашув ҳозирги кунда синов муддатиде бўлган, қайтиб жиноят кўчасига кириб қолмаслик учун ҳаракат қилаётган ёшларнинг муаммолари ҳал этилиши учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Бу каби очик мулоқотлар республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич ўтказилиб, натижада жақони ижро этиш муассасаларидан чиққан ва муаммолари ёшларнинг масалаларини ҳал этиб бориш режалаштирилган.

Аскар ХАСАНОВ,  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар  
Кенгаши жиноятчиликлар профилактикаси бўлими  
мудири

Футбол янгиликлари

“ПАХТАКОР”НИНГ МУҲИМ ГАЛАБАСИ

Футбол бўйича жорий йилги Осиё чемпионлар лигаси турнири гуруҳ босқичи доирасида 5-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Осиё чемпионлар лигасининг “Д” гуруҳида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган “Пахтакор” жамоаси 5-турда ўз майдонида Эроннинг “Персеполис” клуби билан куч синашди. Айтиш жоизки, ўйин мурасасиз ва шиддатли курашларга бой кечди. Ҳар икки жамоа мухлислар кўз ўнгиде очик, ҳужумкор футбол намойиш этди. Мезбонларнинг тиниб-тинчимас маҳоратли ярим ҳимоячиси Жалолдин Машарипов кўп ҳолларда эронлик ҳимоячиларни саросимага солиб қўйди. 90 дақиқа мобайнида ҳар икки дарвоза олдида кўплаб хавфли вазиятлар содир этилди. Тошкентлик мухлисларга қувонч улашган ягона голни эронликлар дарвозасига Игорь Сергеев киритди ва “Пахтакор” яқунда 1:0 ҳисобида зафар кучиб, кейинги босқичга йўлланма олиш учун яхши имкониятга эга бўлди.

Ушбу гуруҳдаги Қатарнинг “Ал-Садд” ҳамда Саудия Арабистонининг “Ал-Аҳли” жамоалари баҳси қатарлик чарм тўп усталарининг 2:1 ҳисобидаги галабаси билан тугади. Натижада ўтказилган 5 та турдан сўнг ушбу гуруҳда “Ал-Садд” жамоаси биринчи ўринни эгаллаб турган бўлса, Шота Арвеладзе шогирдлари иккинчи ўринда боришмоқда. Гуруҳ босқичининг сўнгги турида “Ал-Аҳли” билан куч синашадиган пахтакорчиларни дуранг натижа ҳам қониқтиради.

Қўшнинг энг нуфузли турнири “В” гуруҳида қатнашаётган “Локомотив” БААда “Ал-Ваҳда” жамоаси меҳмони бўлди. Шу кунгача “В” гуруҳида 4 очко жамғариб, учинчи ўринда бораётган “Локомотив”ни фақат галаба қониқтирар эди. Шу боис ҳам темирўлчилар ҳужумкор ўйин намойиш этишга интилишди. Ҳатто, Т.Абдуҳолиқов мезбонлар дарвозасини боши билан аниқ нишонга олиб, “Локомотив”ни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Аммо, иккинчи бўлимда мезбонлар тошкентликлар дарвозасига 3 та гол киритиб, ўйинда 3:1 ҳисобида зафар кучишди. Ва “Локомотив” Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичидаёқ курашни тўхтатишга мажбур бўлди.

“НАВБАҲОР” МУҲЛИСЛАРИНИ ҚУВОНТИРДИ

Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат миллий чемпионатининг 7-турида амалдаги чемпион “Локомотив” муҳим икки очкодан маҳрум бўлди ва “Пахтакор” турнир жадвали карвонбошиси бўлиб олди.

Айтиш жоизки, ҳар бир учрашув мурасасиз баҳсларга бой кечди ва мухлисларга қувонч улашган натижаларни тўхфа қилди.

Амалдаги чемпион “Локомотив” Тошкентда “Кўкон – 1912” жамоаси билан кечган ўйинда 2:2 ҳисобидаги дуранг туфайли муҳим икки очкодан маҳрум бўлди. Қизиқарли, шиддатли курашлар остидаги учрашувда дарвозаларни “Локомотив”дан – Темирхўжа Абдуҳолиқов, Диёр Туропов, “Кўкон – 1912”дан – Ойбек Рустамов, Шаҳбоз Эркинов (пенальти) аниқ нишонга олишди.

Жорий йилги мавсумда ҳали бирор марта мағлубиятга учрамаган “Пахтакор” ўз майдонида “Металлург” жамоасини 2:1 ҳисобиде мағлуб этиб, очколари сонини 19 тага етказиб олди ва турнир жадвалида яқна пешқадамлик қилмоқда. “Пахтакор”дан – Драган Черак (2 та, биттаси пенальти), “Металлург”дан – Ислом Исоқжонов голларга муаллифлик қилишди.

Ушбу турда қайтадан таъмирланган ва чими янгиланган Намангандаги “Марказий” стадионга келган мухлисларни “Навбахор” жамоаси футболчилари хушнуд этди. “Навбахор” – “Сўғдиёна” беллашуви 3:1 ҳисобида майдон эгаларининг галабаси билан яқунланди. Турнинг қолган ўйинлари қуйидагича яқунланди: “Бухоро” – “Насаф” – 0:1, “Андижон” – “Динамо” – 2:2, АГМК – “Сурхон” – 2:0, “Қизилқум” – “Бунёдкор” – 1:0.

ЛИГА КУБОГИ МУСОБАҚАСИГА ЖАМОАЛАРИМИЗ ТАЙЁРМИ?

Жорий йилги мавсумдан эътиборан ПФЛ ташаббуси билан лицензиялаш талабларига жавоб берувчи клублар ўртасида футбол бўйича Ўзбекистон Лига кубоги турнири уюштирилади.

Шўниси эътиборлики, тақвимда мазкур мусобақа ўйинлари учун алоҳида кунлар белгиланган. Ушбу турнирда Суперлиганин 14 та жамоаси билан бирга, Про-лига “А” гуруҳидан “Машъал” ҳамда “Шўртан” клублари голиблик учун кураш олиб боришади. Келгуси йилдан Ўзбекистон Лига кубоги иштирокчилари сони айнан лицензиялаш талабларидан келиб чиқиб белгиланади. Бу йилги турнирда 16 та жамоа 4 та гуруҳга ажратилади. Хуллас ҳар бир жамоа гуруҳ босқичида 3 тадан ўйин ўтказиши мумкин. Ўйинларга қайси жамоа мезбонлик қилиши қўра орқали маълум бўлади. Яқунда гуруҳларда дастлабки 2 та погонани банд этган жамоалар чорак финалга чиқади. Қолган олимпия тизимида ярим финал, финалга қадар давом этади. Ўзбекистон Лига кубогининг гуруҳ босқичига 31 май куни старт берилади.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

ТҮРТ ЯРИМ МИЛЛИАРД СЎМ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Республикада ишбилармонлик муҳитини кенгайтириш, ички бозорда импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотлар кўламини ошириш, хорижий корхоналарнинг фаолиятини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу каби корхоналарнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш, турли вазиятларга тушиб қолганда оқилона ҳаракат қилиш барчанин бурчи ҳисобланади. Лекин айрим ҳолларда қонунбузилишларга йўл қўйилмоқда. Тошкент туманлараро Иқтисодий судининг 2018 йил 28 декабрдаги ижро варақасига асосан қарздор “Toshkent qishloq xo'jaligi texnikasi zavodi” АЖдан ундирувчи Жанубий Корея Республикасининг “Hanwoo Global CO.LTD” компанияси фойдасига 5.246.000 сўм ва 554.613,48 АҚШ доллари ундириш тўғрисидаги 2019 йил 25 январдаги 2350/29-сонли ижро ҳужжати мавжуд эди.

Қарздор ташкилотга мазкур ижро ҳужжати ижросини таъминлаш учун ихтиёрий беш кунлик муддат берилган бироқ, кўрсатилган талаблар бажарилмаган. Натижада мажбурий ижро ҳаракатлари давомида 2019 йил 22 февралда Чет эл валютасида

ҳисобланадиган қарз ундирувини қарздорнинг сўмдаги пул маблағларига қаратиш ҳақида қарор қабул қилиниб, ижро учун АТ “Асака” банк Тошкент шаҳар филиалига юборилган. Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарздор “Toshkent qishloq xo'jaligi texnikasi zavodi” АЖдан ундирувчи Жанубий Корея Республикасининг “Hanwoo Global CO.LTD” компанияси фойдасига 4.686.483.906 сўм пул маблағлари ўтказилиб, ижро ҳужжати ижроси таъминланган.

Шу ўринда чет эл инвестициясини жалб қилишда бундай ҳолатларнинг учраб туриши кўнгилни хира қилади. Шундай экан иқтисодиётга ихобий таъсир кўрсатишини таъминлайдиган хорижий корхоналар фаолиятини кенгайтиришга эътибор бериш муҳимлигини унутманг!

Убайдулла АБЗАМОВ, Мажбурий ижро бюросининг Мирзо Улугбек туман бўлими бошлиғи

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“CAPITAL TRUST INVEST” МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Очик аукцион савдосига АТБ “ASIA ALLIANCE BANK”нинг 08.05.2019 йилдаги № 2652/21-14-сонли буюртномасига асосан ўз тасарруфиде булган Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Юзобот кўчаси, 1-2-ўй манзилида, умумий 560 кв.м. ер майдониде жойлашган, қўрилмалари майдони 407.22 кв.м., бошланғич нархи – 996 840 554 сўм булган турар жой қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2019 йил 10 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-ўй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк 2019 йил 10 июнь куни соат 11.00 да сотилмаган тақдирда тақрорий савдолари 2019 йил 25 июнь ва 10 июль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли банк вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагани билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоиздан кам булганга амқидориде закатат пулини “CAPITAL TRUST INVEST” МЧЖнинг АТ “Xalqbank” Тошкент шаҳар филиали амқидориде бўлимининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: х/р: 20208000100757166001. МФО 01132. СТИР 304 802 952. Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш кун олдин тўхтатилади. Савдо голибига аукцион савдоси натижалари бўйича голиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичиде сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти қўлатилади. Кўчмас мулк учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-ўй. Тел: +998-71-236-25-53. Веб-сайт: www.capitaltrust.uz

Лицензия RR – 0298

“XALQ SUG'URTA” МЧЖ СК томонидан ЯТТ Мамажонова Гулнозахон Махаматовна номига берилган 0103448-сонли полис бланки йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент банк коллежи томонидан 2018 йилда Саидинов Сухроб Содиқовн ўлига берилган К № 5325654 амқидориде диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Абданов Фахриддин Муносибовичга тегишли булган Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 7-ўйининг план кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбек Миллий академик театри жамоаси театр актрисаси Ўзбекистон халқ артисти Тути Юсупованин турмуш ўртоғи Мирғибё СОАТОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.



ЭНГ КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Республика техник ва амалий спорт турлари марказида ўқ отиш бўйича Тошкент шаҳар очик биринчилиги 2-босқич мусобақаси ўтказилди.

Тошкент шаҳар “Ватанпарвар” ташкилотининг “Миробод Ўқув спорт техника клуби” унитар корхонаси ташкилотчилигида ташкил этилган мусобақада ташкилотнинг барча туманлари ва бошқа спорт клублардан жамоалар ўзаро беллашди. Мусобақада жами 9 жамоа иштирок этиб, улардан 31 нафари ўғил, 15 нафари эса қиз боладан иборат бўлди.

Мусобақа натижаларига кўра қизлар ўртасида ВП-3 йўналиши бўйича 1-ўринни Республика техник ва амалий спорт турлари марказидан Дилафрўз Қобилжонова, 2- ва 3-ўринларни “Ватанпарвар” ташкилоти “Миробод ЎСТК” УҚдан Дилсўз Ризаева, Зулфия Абдилова эгаллади. ПП-1 йўналиши бўйича 1-ўринга “Учтепа ЎСТК” УҚдан Мухлиса Тагиева, 2-ўринга Республика техник ва амалий спорт турлари маркази клубидан Хуршида Отбосарова, 3-ўринга “Миробод ЎСТК” УҚдан Мохибону Ганиевалар лойиқ қўрилди.

Ўғил болалар ўртасида ВП-3 йўналиши бўйича 1- ва 2-ўринни Республика техник ва амалий спорт турлари маркази клубидан Суннатилло Аҳмедов, Элёрбек Эркинов, 3-ўринни “JAR” спорт техник клубидан Ахрор Эркинхўжаевлар эгаллашди. ПП-1 йўналиши бўйича 1-ўринга “JAR” спорт техник клубидан Илхомбек Обиджонов, 2- ва 3-ўринларга Республика техник ва амалий спорт турлари маркази клубидан Жаҳонгир Узоқов, Ҳамиджон Иминоҳоновлар лойиқ топилди.

Мусобақа сўнгиде жамоа бўйича натижалар ҳисобланиб, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази жамоаси 1-ўринни, “Миробод ЎСТК” УҚ жамоаси 2-ўринни, “Учтепа ЎСТК” УҚ жамоаси 3-ўринни қўлга киритди. Фолибларга “Миробод ЎСТК” УҚ томонидан совғалар тақдим этилди.

Зарина РУСТАМОВА СУРАТДА: Мусобақадан лавҳа



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, chorshanba, пайшанба ва жума кунлари чиқади

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 214 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Ўзгидромет Хабар қилади. Тошкент шаҳрида 12 май куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи — 32-34 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 12 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Буюртма Г-546

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 02:10